

Special Issue on "Innovative Economy: Challenges, Analysis and Prospects for Development"  
Published in Aug-2021

## Use of Imitation Innovations in Small Business Development

Salimov Sherzod Bakhtiyorovich

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон шароитида кичик бизнесда имитацион инновациялардан фойдаланиш шарт-шароитлари, хусусиятлари кўрилган. Имитацион инновацияларнинг устун томонлари ёритиб берилган. Худудлар иқтисодий ва илмий салоҳиятининг ривожланиш даражаси, аниқланган интеграл индекслар ёрдамида таҳлил қилинган ҳамда КўБни худудлар бўйича инновацион ривожланиш имкониятлари аниқланган.

**Калит сўзлар:** Кичик бизнес, ўрта бизнес, инновация, имитацион инновация, мустақил инновация, индекс, интеграл индекс, технологик инновация, жараёнли инновация, биргалиқдаги инновация, худуднинг иқтисодий ривожланганлик даражаси.



Researcher at the Institute for Macroeconomic Research and Forecasting

**Кириш.** Ҳозирги шароитда маҳсулотга талабнинг ортиши, рақобатни кучайиши, билимлар иқтисодиётига ўтиш ва компаниялар ўртасида иқтисодий ўзаро алоқаларни кенгайиши КўБнинг ривожланиши инновацион характерда бўлишига олиб келмоқда. КўБни инновацион ривожланишида уни қўллаб-куватловчи инфратузилма муҳим ўрин тутади [1] [2] [5].

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, 79 % саноат корхоналари кўпроқ технологик инновацияларни жорий қилишга эътибор беради, ташкилий инновациялар 29 %, маркетинг инновацияларини жорий қилиш 18 %ни ташкил қиласди [1, 454 б].

КБни заиф томонини ифодаловчи ва инновацион фаолият билан шуғулланишига тўскинлик қилувчи ҳолатларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- молия ресурслари етишмаслиги;
- инновациялар катта харажатлар билан боғлиқлиги;
- техник базанинг паст даражада эканлиги;
- кредит фоизи юқорилиги;
- малакали кадрлар етишмаслиги;
- рискнинг юқорилиги ва ҳоказо.

Мустақил инновацияни амалга оширишда илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларни корхонанинг ўзи амалга оширади ва бу жуда катта риск билан боғлиқ ва жуда қўп маблағ талаб қиласди. Одатда, йирик компаниялар мустақил инновацион фаолият билан шуғулланади. Имитацион инновацияларда корхона тўғридан-тўғри илғор технология ва ускуналарни сотиб олади ва уларни модернизациялаш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган ишларни олиб боради. Имитацион инновацияда олиб бориладиган изланишлар рисқдан ва қайта-қайта изланишлардан, катта харажатлардан холи бўлади (янги технологияни модернизациялаш, янги технологияни ишлаб чиқишига нисбатан арzon), бозорда ўз ўрнини топган товарлар ва технологиялар имитация қилинади [4].

**Адабиётлар таҳлили.** Россиялик олимлардан Буланова Е.В., Соменкова Н.С., Ягунова Н.А. [1] Гумерова Г.И., Шаймиева Э.Ш. [2] ишларида Россия шароитида саноат комплекслари таркибида инновацион корхоналарни ривожлантириш масалалари, уларни инновацион инфратузилма элементлари билан таъминлаш кичик корхоналарда технологик инновацияларни ривожлантиришнинг стратегик масалалари кўрилган. Хитойлик олимларнинг [3] ва [4] ишларида хитой халқ республикасида тадбиркорликни ривожлантириш масалалари, тажрибаси ва имитацион инновацияларнинг устун томонлаи ёритилган. Ўзбекистон олимларининг ишларида, ҳусусан Г.Федяшева ва бошқаларнинг ишларида мамлакатимизда инновацион жараёнларни ривожлантириш, инновацияларни амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ масалалар ёритилган. Мазкур ишда ҳудудларнинг ишлаб чиқариш ва илмий салоҳиятидан келиб чиқиб КўБни ҳудудлар кесимида имитацион инновацион ривожлантириш масалалари ўрганилган.

**Асосий қисм.** Ўзбекистон шароитида КўБ корхоналарида имитацион инновациялардан самарали фойдаланиш ҳудудларнинг иқтисодий ва илмий салоҳиятига боғлиқ. Ҳудудларнинг иқтисодий ривожланганлик даражасини ифодаловчи ялпи ҳудудий маҳсулотни қараймиз (1-жадвалда республика бўйича ЯИМ олинган), энг кўп ЯҲМ

Тошкент шаҳрида ишлаб чиқарилган, унинг мамлакат ЯИМдаги улуши 14,6 %га teng, undan kейин Тошкент вилояти – 9,8 % ва Самарқанд – 7,3 %. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Хоразм ва Сирдарё вилоятларида бу кўрсаткич жуда паст бўлиб, 3,7 %дан ошмайди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ индекси Навоий вилоятида 2,43, яъни аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯҲМ республика кўрсаткичидан 2,43 баробарга кўп. Худди шундай Тошкент шаҳри – 1,92 ва Тошкент вилоятида – 1,13. Бу кўрсаткич республиканидан юкори.

**1-жадвал**
**Худудлар кесимида ЯҲМ (Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ)**

		<b>ЯҲМ (млрд.сўм)</b>	<b>ЯИМда худудлар улуси (%да)</b>	<b>Аҳоли бошига жон ЯҲМ (минг.сўм)</b>	<b>Индекс</b>
1.	Ўзбекистон Республикаси	511 838,1	100%	15 242,0	1,0
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	18 735,7	3,7	9 944,1	0,65
	Вилоятлар				
3.	Андижон	32 897,2	6,4	10 621,6	0,70
4.	Бухоро	26 695,0	5,2	13 980,1	0,92
5.	Жиззах	15 211,9	3,0	11 126,3	0,73
6.	Қашқадарё	36 470,1	7,1	11 233,3	0,74
7.	Навоий	36 685,2	7,2	37 119,5	2,43
8.	Наманган	23 239,0	4,5	8 353,6	0,55
9.	Самарқанд	37 593,9	7,3	9 793,9	0,64
10.	Сурхондарё	22 349,3	4,4	8 597,2	0,56
11.	Сирдарё	10 477,7	2,0	12 500,3	0,82
12.	Тошкент вилояти	50 117,8	9,8	17 164,2	1,13
13.	Фарғона	32 943,3	6,4	8 861,5	0,58
14.	Хоразм	19 136,5	3,7	10 337,4	0,68
15.	Тошкент шаҳри	74 527,6	14,6	29 331,2	1,92

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлатстатистикаси ўмита симаълумотлари асосида.

Худудлар кесимида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича Тошкент шаҳри етакчи бўлиб, унинг мамлакат саноат маҳсулотидаги улуши 17,75 %га teng. Бу кўрсаткич Тошкент (16,3 %) ва Навоий вилоятларида(13,46 %) ҳам анча юкори бўлиб, Жиззах (1,45 %), Наманган (2,75 %), Сурхондарё (1,33 %), Сирдарё (2,18 %) вилоятларида жуда паст (2-жадвал).

**2-жадвал**
**Худудлар кесимида саноат маҳсулоти (2019 йил)**

		<b>Худудлар кесимида саноат маҳсулоти и/ч. (млрд. сўм)</b>	<b>Жами саноат маҳсулотида худудлар улуши (% да)</b>	<b>Аҳоли жон бошига Саноат маҳсулоти (минг.сўм)</b>	<b>Аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти индекси</b>
1.	Ўзбекистон Республикаси	331 006,6	100	9 857,0	1,00
2.	Қарақалпоғисто н Республикаси	12 729,7	3,85	6 756,4	0,69
	Вилоятлар				
3.	Андижон	33 027,3	10,00	10 663,6	1,08
4.	Бухоро	14 585,8	4,41	7 638,5	0,77
5.	Жиззах	4 789,5	1,45	3 503,1	0,36
6.	Қашқадарё	20 552,2	6,21	6 330,4	0,64
7.	Навоий	44 540,4	13,46	45 067,7	4,57
8.	Наманган	9 092,4	2,75	3 268,4	0,33
9.	Самарқанд	15 863,3	4,79	4 132,7	0,42
10	Сурхондарё	4 402,8	1,33	1 693,6	0,17
.					
11	Сирдарё	7 217,0	2,18	8 610,1	0,87
.					
12	Тошкент	53 930,5	16,29	18 470,0	1,87
.					
13	Фарғона	19 490,5	5,89	5 242,8	0,53
.					
14	Хоразм	8 811,6	2,66	4 760,0	0,48
.					
15	Тошкент шаҳри	58 748,5	17,75	23 121,1	2,35
.					

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлатстатистикаси ўмитасимаълумотлари асосида.

Шу сабабли бу вилоятларда саноатни стратегик ривожлантириш масаласини долзарб хисоблаш мумкин. Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотининг худудлар бўйича индекси Навоий вилоятида энг юқори бўлиб, у республиканикidan 4,57 баробарга кўп. Ундан кейинги юқори ўринларда Тошкент шаҳри – 2,35, Тошкент вилояти – 1,87, Андижон вилояти – 1,08.

2019 йилда КБ субъектлари томонидан 115406,4 млрд сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган, бу жами саноат маҳсулотининг 34,9 %ни ташкил қиласди. Жами саноат маҳсулотида КБни улуши юқори бўлган худудларга Тошкент шаҳрини (34,3 %), Тошкент вилоятини (12,9 %), Самарқанд (7,4 %), Фарғона (7,4 %) ва Андижон (6,1 %) вилоятларини киритиш мумкин. Сирдарё (2,9 %), Хоразм (2,8 %), Жиззах (2,8 %), Сурхондарё (2,0 %) вилоятлари ва Қарақалпоғистон Республикасида (2,4 %) саноат

соҳасида КБ яхши ривожланмаган, уларда бу кўрсаткич жуда паст.

Бу худудланинг индекс кўрсаткичлари ҳам ўртача республика индексидан жуда паст. Аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти индекси Тошкент шаҳрида (4,53), Навоий (1,69), Тошкент (1,48) ва Сирдарё худудларида республика индексидан юқорилигини кузатиш мумкин. Бу худудларда КБ саноат соҳасида анча ривожланишга эга (3-жадвал).

### **3-жадвал**

#### **2019 йилда худудлар бўйича КБ томонидан ишлаб чиқилган саноат маҳсулоти кўрсаткичлари**

		<b>Саноат маҳсулоти млрд.сўм</b>	<b>Жами саноат маҳсулотда улуси, %да</b>	<b>Аҳоли жон бошига, минг.сўм</b>	<b>Аҳоли жон бошига индекс</b>
1.	Ўзбекистон Республикаси	115406,4	100	3436, 6	1,00
2.	Қоракалпогистон Республикаси	2825,5	2,4	1499, 6	0,44
	вилоятлар:				
3.	Андижон	7058,3	6,1	2278, 9	0,66
4.	Бухоро	4681,3	4,1	2451, 6	0,71
5.	Жizzах	3185,3	2,8	2329, 8	0,68
6.	Қашқадарё	4769,7	4,1	1469,1	0,43
7.	Навоий	5740,5	5,0	5808,5	1,69
8.	Наманган	6717,3	5,8	2414,6	0,70
9.	Самарқанд	8527,0	7,4	2221,5	0,65
10.	Сурхондарё	2331,5	2,0	896,8	0,26
11.	Сирдарё	3403,5	2,9	4060,5	1,18
12.	Тошкент	14892,8	12,9	5100,5	1,48
13.	Фарғона	8490,2	7,4	2283,8	0,66
14.	Хоразм	3196,7	2,8	1726,8	0,50
15.	Тошкент шаҳри	39586,7	34,3	15579,7	4,53

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлатстатистикаси қўмитасимаълумотлари асосида.

Худудларнинг инвестицион фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар 4-жадвалда келтирилган. Асосий капиталга инвестиция бўйича яна Тошкент шаҳри, унинг жами асосий капиталга киритилган инвестициялардаги улуси – 21,85 %, Қашқадарё вилояти – 12,39 % ва Тошкент вилояти – 8,92 % етакчи. Бу худудларнинг иқтисодий ривожланиши бошқа худудларга нисбатан анча юқорилигини кузатиш мумкин. Паст иқтисодий ривожланишга эга худудларга Хоразм (2,93 %) ва Сирдарё (2,18 %) вилоятларини киритиш мумкин.

Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестиция индекси бўйича энг юқори индексга эга вилоятлар: Навоий вилоятида бу индекс ўртача республика индексидан 3,18 баробарга кўп. Ундан кейинги ўринларда Тошкент шаҳри (2,89 %), Сирдарё (1,29 %), Қашқадарё (1,28 %) вилоятларини кузатамиз.

**4-жадвал**
**Асосий капиталга инвестициялар худудлар бўйича (2019йил)**

		Асосий кап. инвестиция (млрд.сўм)	Жами инвестиция-да худудлар улуси (% да)	Аҳоли жон бошига инвестиция (минг.сўм)	Аҳоли жон бошига инвестиция индекс
1.	Ўзбекистон Республикаси	189924,3	100	5655,8	1,00
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	8434,6	4,44	4476,7	0,79
	Вилоятлар				
3.	Андижон	8183,7	4,31	2642,3	0,47
4.	Бухоро	9867,0	5,20	5167,3	0,914
5.	Жиззах	7919,3	4,17	5792,3	1,02
6.	Қашқадарё	23525,3	12,39	7246,1	1,28
7.	Навоий	17775,3	9,36	17985,7	3,18
8.	Наманган	12187,0	6,42	4380,8	0,77
9.	Самарқанд	9798,6	5,16	2552,7	0,45
10.	Сурхондарё	12232,4	6,44	4705,5	0,83
11.	Сирдарё	6129,2	3,23	7312,4	1,29
12.	Тошкент вилояти	16935,1	8,92	5799,9	1,03
13.	Фарғона	9164,2	4,83	2465,1	0,44
14.	Хоразм	5566,8	2,93	3007,2	0,53
15.	Тошкент шаҳри	41497,9	21,85	16332,0	2,89

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлатстатистикаси ўмитасимаълумотлари асосида.

Бу кўрсаткич бўйича биринчилар қаторида яна Тошкент шаҳрини кузатамиз. Тошкент шаҳри корхоналарига жалб этилган хорижий инвестицияларнинг мамлакат кўрсаткичидаги улуси 20,77 %га тенг. Кейинги ўринда Қашқадарё вилояти – 19,29 % ва Сурхондарё вилояти – 8,72 %. Хоразм, Сирдарё, Андижон, Самарқанд вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида бу кўрсаткич паст бўлиб, 3,6 %дан ошмайди (5-жадвал).

**5-жадвал**
**Хорижий инвестициялар худудлар бўйича (2019 йил)**

		Хорижий инвестиция худудлар бўйича (млрд.сўм)	Хорижий инвестиция худудлар бўйича улуси (% да)	Аҳоли жон бошига (минг. сўм)	Индекс
1.	Ўзбекистон Республикаси	86653,1	100	2580,4	1,00
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	3121,3	3,60	1656,6	0,64
	Вилоятлар				

3.	Андижон	2881,4	3,33	930,3	0,36
4.	Бухоро	5226,1	6,03	2736,9	1,06
5.	Жиззах	3716,3	4,29	2718,2	1,05
6.	Қашқадарё	16711,5	19,29	5147,4	1,99
7.	Навоий	6902,3	7,97	6984,0	2,71
8.	Наманган	5313,6	6,13	1910,0	0,74
9.	Самарқанд	2799,8	3,23	729,4	0,28
10.	Сурхондарё	7557,6	8,72	2907,2	1,13
11.	Сирдарё	2853	3,29	3403,7	1,32
12.	Тошкент вилояти	5595,2	6,46	1916,2	0,74
13.	Фарғона	3538,2	4,08	951,7	0,37
14.	Хоразм	2350,1	2,71	1269,5	0,49
15.	Тошкент шаҳри	17995,7	20,77	7082,4	2,74

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлатстатистикаси қўмитасимаълумотлари асосида.

Аҳоли жон бошига тўғри келувчи хорижий инвестиция индекси бўйича қаралса, Тошкент шаҳри (2,74), Қашқадарё (2,0), Навоий (2,71) вилоятлари индекси республика индексидан юкори. Энг паст индекс Фарғона (0,37), Андижон (0,36) вилоятларига тўғри келади.

Барча иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳудудлар бўйича хусусий индекслари ва интеграл индекслари қўйидаги формуласалар ёрдамида аниqlанади:

$$A_{ij} = \frac{x_{ij}}{y_j}, \quad X_i = \sum_{j=1}^4 A_{ij}, \quad i = 1 - 15, \quad j = 1 - 4$$

$x_{ij}$  –  $i$  – ҳудуднинг  $j$  – кўрсаткичнинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи ҳажми;

$y_j$  – республика бўйича  $j$  – кўрсаткичнинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи ҳажми;

$A_{ij}$  –  $i$  – ҳудуднинг  $j$  – кўрсаткич индекси;

$X_i$  –  $i$  – ҳудуднинг иқтисодий ривожланганлик даражасини ифодаловчи интеграл индекс.

#### 6-жадвал

#### Ҳудудни иқтисодий ривожланганлик даражасини ифодаловчи интеграл индекс

		Аҳоли жон бошига ЯҲМ индекси	Аҳоли жон бошига саноат маҳсулот индекси	Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестиация -лар индекси	Аҳоли жон бошига хорижий инвестиция -лар индекси	Аҳоли жон бошига КБнинг сноат маҳсулот и индекси	Жами интеграл индекс
1.	Ўзбекистон Республикаси	1,0	1,00	1,00	1,00	1,00	
2.	Қорақалпогистон Республикаси	0,65	0,69	0,79	0,64	0,65	3,42
	Вилоятлар						
3.	Андижон	0,70	1,08	0,47	0,36	0,70	3,31
4.	Бухоро	0,92	0,77	0,91	1,06	0,92	4,58
5.	Жиззах	0,73	0,36	1,02	1,05	0,73	3,89

6.	Қашқадарё	0,74	0,64	1,28	1,99	0,74	5,39
7.	Навоий	2,43	4,57	3,18	2,71	2,44	15,33
8.	Наманган	0,55	0,33	0,77	0,74	0,55	2,94
9.	Самарқанд	0,64	0,42	0,45	0,28	0,64	2,43
10	Сурхондарё	0,56	0,17	0,83	1,13	0,56	3,25
11	Сирдарё	0,82	0,87	1,29	1,32	0,82	5,12
12	Тошкент вилояти	1,13	1,87	1,03	0,74	1,13	5,90
13	Фарғона	0,58	0,53	0,44	0,37	0,58	2,50
14	Хоразм	0,68	0,48	0,53	0,49	0,68	2,86
15	Тошкент шаҳри	1,92	2,35	2,89	2,74	1,92	11,82

Манба: 1-4 жадваллар асосида

#### 7-жадвал

**Худудлар бўйича илмий салоҳият индекслари ( жамига нисбатан улушда, 2019 йил)<sup>1</sup>**

Кўрсаткичлар	Олий таълим муассасалар индекси	Хорижий олий ўқув юртлари и филиаллари индекси	Техник-илмий тадқиқот институтлари индекси	Фан докторлари (DSc) индекси	Фан номзодлари (PhD) индекси	Магистрлар техника соҳасидаги индекси	Бакалаврлар техника соҳасида	Илмий салоҳият интеграл индекси
Ўзбекистон Республикаси	1	1	1	1	1	1	1	
Қорақалпоғистон Республикаси	0,08		0,03	0,04	0,07	0,004	0,05	0,27
<i>вилоятлар:</i>								
Андижон	0,04	0,06	0,03	0,05	0,07	0,01	0,04	0,30
Бухоро	0,04		0,04	0,04	0,05	0,06	0,06	0,29
Жиззах	0,03		0,02	0,02	0,03	0,01	0,04	0,15
Қашқадарё	0,05		0,02	0,02	0,04	0,03	0,09	0,25
Навоий	0,02		0,03	0,01	0,02	0,03	0,03	0,14
Наманган	0,03		0,04	0,02	0,04	0,03	0,07	0,23
Самарқанд	0,09	0,06	0,06	0,11	0,11	0,06	0,06	0,55
Сурхондарё	0,06		0,01	0,01	0,01	0,002	0,02	0,11
Сирдарё	0,02		0,01	0,02	0,01	-	0,004	0,06
Тошкент	0,04	0,06	0,12	0,06	0,05	-	0,01	0,34
Фарғона	0,08	0,11	0,03	0,03	0,07	0,04	0,07	0,43
Хоразм	0,03		0,02	0,01	0,02	0,01	0,03	0,12
Тошкент ш.	0,4	0,72	0,54	0,56	0,4	0,71	0,42	3,75

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлатстатистикаси ўмита симаълумотлари асосида

<sup>1</sup>

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлатстатистикаси ўмита симаълумотлари асосида

Худудларнинг барча кўрсаткичлари бўйича иқтисодий ривожланганлик даражасини ифодаловчи хусусий ва интеграл индекс кўрсаткичлари 6-жадвалда келтирилган. Барча кўрсаткичлар бўйича энг юқори ривожланаётган худудларга Тошкент шаҳри (11,82), Навоий (15,33), Тошкент (5,90) ва Қашқадарё вилоятларини (5,39) киритиш мумкин. Бу худудларга “Локомотив” худудлар деб қараш мумкин. Ўрта даражада иқтисодий ривожланаётган худудлар: Сирдарё (5,12), Бухоро (4,58), Жиззах (3,89 %) вилоятлари ҳисобланади. Қолган худудларни паст даражада иқтисодий ривожланаётган худудлар деб қараймиз. Булар: Қарақалпогистон Республикаси, Андижон, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм ва Фарғона вилоятлари.

Илмий салоҳият бўйича ҳам Тошкент шаҳри етакчи ҳисобланади. Олий таълим муассасаларининг 40 %, фан докторларининг 56 %, фан номзодларининг 40 % ва техник соҳа бўйича илмий тадқиқот институтларининг 54 % Тошкент шаҳрига тўғри келади. Ҳар йили техник соҳа бўйича магистрларнинг 71 % Тошкент шаҳрида тайёрланади. Техник соҳа бўйича илмий тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари мос ҳолда Самарқандда – 11; 11 та, Бухорода – 8; 5 та, Навоийда – 6; 2 та ва Андижонда – 5; 5 та.

### Мунозара ва хulosалар

Тошкент шаҳрида ва тошкент, Самарқанд, Бухоро, Навоий ва Андижон худудларида худудларда технопарк, инновацияларни қўллаб-куватловчи фондлар ва бошқа инновацион инфратузилма элементларини ташкил қилиш келажакда КУБни имитацин инновацион ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Навоий худудида саноат тармоқлари ривожланганлигини эътиборга олсак, бу худуднинг илмий салоҳиятини ошириш муҳим стратегик масала деб ҳисоблаш мумкин.

Ўзбекистон шароитида КУБда инновацион фаолиятни ривожлантиришда имитацион инновациялардан фойдаланиш самарали йўл деб қараш мумкин. Ўрта даражада иқтисодий ривожланган Қарақалпогистон, Бухоро, Қашқадарёва фарғона ҳудудларида ҳам юқори иқтисодий, саноат ва маълум даражада инновацион салоҳиятга зга КЎБларни инновацион ривожлантиришда имитацион инновациялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Паст иқтисодий ривожланган ҳудудларда, ҳусусан Наманган, Жиззах Сурхандарё ва хоразм ҳудудларида КЎБни манзилли қўллаб-куватлаш асосида ишлаб чиқариш салоҳиятига кўра, жамият учун устувор бўлган соҳаларда маҳсус дастурлар асосида ривожлантиришни яхши йўл деб ҳисоблаш мумкин.

### Адабиётлар

1. Буланова Е.В., Соменкова Н.С., Ягунова Н.А. Формирование стратегии развития малого инновационного предприятия промышленного комплекса. // Журнал «Вопросы инновационной экономики». Том 9. № 2. Апрель-июнь, 2020.
2. Гумерова Г.И., Шаймиева Э.Ш. Анализ управления технологическими инновациями на промышленных Российских предприятиях: источники финансирования, инновационная стратегия. // Актуальные проблемы экономики и права, 2012. № 4 (24). С. 143-150.
3. Инновационное предпринимательство в Китае. // Фундаментальные Исследования, 2018. - №10 - с.74-78 (электронный ресурс), <https://www.fundamentalresearch.ru/ru/article/view?id=42283>
4. Сюй Хуэйчжуин. Анализ преимущества имитационной инновации. //Гуманитарные и

социальные науки, 2012. № 7.

5. Титов. Б. Сектор малого и среднего предпринимательства: Россия и Мир. Институт экономики роста им. Столыпина П.А. июль, 2018.Электрон ресурс, <http://stolypin.institute/novosti/sektor-malogo-i-srednego-predprinimatelstva-rossiya-i>
6. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий ҳолати, 2019 йил. – Т., 2020 й.
7. Салимов Ш.Б. Ривожланган давлатларда ва ўзбекистонда тадбиркорлик турлари ва уларни аниқлаш мезонлари.// “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2020 yil 190 3/2020 (№ 00047)<http://iqtisodiyot.tsue.uz>
8. Федяшева Г. Развитие инновационного потенциала Узбекистана в условиях модернизации экономики. // Бозор, пул ва кредит, №2, 2011. –с.146